

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 12 сон**

Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъуд муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъуд муҳаррир уринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жаламов

## ТАХРИРХАЙЪАТИ

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., проф. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., доц. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Раҳматуллаев. **Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – т.ф.д., доц. Б.Камалов, к.х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Мамагов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - т.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Г.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: **Н.Юсупов.**

**Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.**

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб *Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси* Раёсати қарори билан *Физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика* фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий наирлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали *Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси* ҳамда *Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август кунги 1106-сонли гувоҳнома* га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.12.2020 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўғлам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 12). Мақомаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**МУНДАРИЖА**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**

**01.00.00**

**ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

1	Об одной нелокальной краевой задаче для уравнения смешанного типа второго рода.	3
	Абдуллаев А. А. ....	
2	Shar hajmidan kub hajmiga o'tish metodikasi	7
	Ismoilov B.T. ....	
3	Directions for increasing the financial and economic potential of industrial enterprises	11
	Mamatkulova N.M. ....	
4	Boshlang'ich sinf matematika fanlaridan olinadigan nazorat ishlari va xalqaro baholash dasturlari o'rtasidagi uzviylikni ta'minlash (boshlang'ich sinf matematika fani misolida)	15
	Saloxitdinova N. M. ....	
5	Qora o'ra atrofida energiya olish mexanizmlari	20
	Xudoyberdieva M. K, Jo'rayeva N. B. ....	
6	Энтропия" тушунчасининг табиий-илмий ва фалсафий-методологик талкини	26
	Бекпўлатов У.Р. ....	
7	Метод эмпирического правдоподобия и его использование в статистических задачах оценивания	30
	Абдушукуров А. А, Захидов Д.Г. ....	
8	Моделирование влияния температуры на уровни ландау электронов в полупроводниках	37
	Эркабоев У.И, Рахимов Р.Г. ....	
9	Использование саженатполненного полистирола в качестве светодиода в электронной промышленности	43
	Камалова Д. И, Умаров А. В, Негматов С.С, Тухтаев Ф. С. ....	

**КИМЁ ФАНЛАРИ**

**02.00.00**

**ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ  
CHEMICAL SCIENCES**

10	Qizilmiya ildizining kimyoviy tahlili va inson organizmiga ta'siri	48
	Matajanov G'O, Abdullajanov O A. ....	
11	Технология получения медицинских материалов на основе модификации полимеров, содержащих биологически активные вещества	52
	Артикходжаева Б. А, Ташмухамедова Ш.С. ....	
12	Акрилонитрил ва фосфат кислотаси асосида ёнгибардош қоплама олиш ва унинг физик-кимёвий таҳлилини ўрганиш	54
	Тожидинов М. Б, Каримов М У, Джалилов А. Т, Соттиқулов Э.С. ....	
13	Мис фталоцианин пигментининг термик барқарорлигини дифференциал термик таҳлил орқали ўрганиш.	59
	Файзиёв Ж. Б, Бекназаров Ҳ. С, Тиллаев А.Т, Джалилов А.Т. ....	

71	Мактабгача ёшдаги болаларни математик тасавурларини шакллантиришнинг назарий асослари	370
	Асқаров Б. ....	
72	Математика дарсларида тарихий компонентдан фойдаланиш	375
	Кодиров К. Р., Маматқодиров М.М., Йигиталиев Й.У. ....	
73	Мактабгача ёшдаги болаларда креативликни ривожлантириш омиллари	378
	Асқарова Д.Қ. ....	
74	Ихтисослаштирилган коллежларда махсус фанларни ўқитишда “беш босқичли” технология асосида амалий машғулотларни ташкил этиш	382
	Сайфуллаева Д.А Турдиева М.Ж. ....	
75	Физика фанида изчиллик тамойилининг пайдо бўлиши ва ривожланиши	387
	Қаландаров Э.Қ. ....	
76	Бўлажак харбий таълим ўқитувчиларида харбий-касбий компетенцияларни шакллантиришда кластерли ёндашувдан фойдаланиш	391
	Вахобов А.А. ....	
77	Дифференциал ёндашув технологияси тил материалларини ўзлаштириш фаоллигини ошириш шаклларида бири сифатида	398
	Жамолиддинова Н.А. ....	
78	Курсантларнинг жисмоний тайергарлигида замонавий фитнес дастурлардан фойдаланиш	402
	Қочқаров А.А. ....	
79	Ихтисослаштирилган мусика мактаблари ўқувчиларини мақом чолғу куйлари воситасида эстетик тарбиялашга қўйиладиган педагогик талаблар	406
	Балтаев У. Р. ....	
80	Шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш омиллари	410
	Мирзаева Ф.О. ....	
81	Агрисаноат мажмуасида маркетинг концепциясини шакллантиришнинг назарий асослари	416
	Уринов Б.Ж. ....	
82	Создание и использование электронных образовательных ресурсов	424
	Маматқаримов К.З, Сулейманова Р.М. ....	
83	Ички ишлар органлари ходимларининг касбий мулоқотида ахлоқий фазилатларнинг ўрни	428
	Сирлиев Б.Н. ....	
84	Умуминсоний кадриятлар – талабаларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини шакллантирувчи манба	433
	Ҳамраева О.Ф. ....	
85	Акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш масалалари	439
	Маҳмудова Д. ....	
86	Техника олий таълим муассасаларида замонавий ўқитишнинг шакллари ва усуллари	442
	Адилов Б. Б. ....	
87	Матрицаларни параметрли кўпайтириш ва чекли майдонда эллиптик эгри чизик нуқталари устида амал бажариш мураккаблиги асосида яратилган носимметрик	446

Шундай қилиб, болалар креативлиги унинг ижтимоий-психологик тараққиёти махсули бўлиб, мунгазам ўзаро таъсир этиб борувчи кўплаб омилларнинг инсон руҳиятига таъсири натижаси ҳамда таълимга педагогик- психологик тайёрликнинг энг муҳим кўрсаткичидир.

Демак креативлик ривожлантириш омиллари боланинг ижодий фаолиятида ижодий интилиши, ижодий қобилияти, креатив мақсади, йўналиши ва ўзини бошқара олишида кўринади ва уни ўзини фаоллиги, ўзини-ўзи бошқара олиши билан етук ривожланаётган, ўсаётган шахсга айланаётганини билдиради.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Torrance E.P. Guiding Creative Talent – Englewoodcliffs. N. V.: Prentice-Hall, 1962. 67-84p
2. Ibrahimov X. va boshqalar Pedagogik psixologiya T: 2009
3. Salaxutdinova M.I. Ijod psixologiyasi.Marguzalar matni.Samarqand.2010

### **ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОЛЛЕЖЛАРДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА “БЕШ БОСҚИЧЛИ” ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Бухоро давлат университети

Сайфуллаева Дилафруз Ахмадовна доцент,

Турдиева Мохира Жўракуловна ўқитувчи

**Аннотация:** Ихтисослаштирилган коллежларда махсус фанларни индивидуал ёндашув асосида “беш босқичли” технологияни қўллаб ўқитиш орқали жисмоний имкониятни чекланган ёшларни касб-хунарга тайёрладан иборат.Беш босқичли инновацион технология асосида жисмоний имконияти чекланган ёшларни касб-хунарга тайёрлаида мустақил урганишдан ташқари эътиборни мутахассисликни эгаллашда керакли шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилган.

**Таянч сўзлар:** касб-хунарб, махсус фанлар, ўқув мақсад, тарбия, беш босқичли технология, инновация, индивидуал, жуфтлик, ўқув-услубий таъминот, режамлаштириши, амалга ошириши, текшириши, баҳолаши.

### **ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАКТИЧЕСКОГО ПОДГОТОВКИ НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИИ «ПЯТИ ЭТАПОВ» ПО ОБУЧЕНИЮ СПЕЦИАЛЬНЫМ ПРЕДМЕТАМ В СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ КОЛЛЕДЖАХ**

Бухарский государственный университет

Сайфуллаева Дилафруз Ахмадовна доцент,

Турдиева Мохира Жўракуловна писатель

**Аннотация:** Обучение молодежи с ограниченными возможностями здоровья в специализированных колледжах по «пятиступенчатой» технологии на основе индивидуального подхода к специальным дисциплинам. Сосредоточены на овладении навыками.

**Ключевые слова:** профессиональные, специальные дисциплины, цели обучения, образование, пятиступенчатая технология, инновации, индивидуум, пара, методы обучения, планирование, реализация, проверка, оценка.

## ORGANIZATION OF PRACTICAL TRAINING BASED ON FIVE STEPS TECHNOLOGY ON TEACHING SPECIAL SUBJECTS IN SPECIALIZED COLLEGES

Bukhara State University Sayfullaeva Dilafuz Akhmadovna

Associate Professor,

Turdieva Mohira Zhurakulovna teacher

**Abstract:** *Teaching young people with disabilities in specialized colleges on the "five-step" technology based on an individual approach to special disciplines. Focused on mastering skills.*

**Key words:** *professional, special disciplines, learning objectives, education, five-step technology, innovation, individual, couple, teaching methods, planning, implementation, verification, evaluation*

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислохотлар таълим тизими олдда юқори малакали, ижодкор ва мустақил қарор қабул қила оладиган, техника ва технологияларни пухта ўзлаштириб, янгилıklarга тез мослашадиган мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "Имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан кўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш" устувор вазифаси белгиланган. Шу нуқтаи назардан, жисмоний имконияти чекланган ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашдаги муҳим вазифалардан бири ўқитишда замонавий таълим методлари ҳамда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, уларни ўқув жараёнига жорий қилиб бориш ҳамда ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаларини таълим жараёнига татбиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Хорижий илгор давлатлар амалиётига кўра жисмоний имконияти чекланган ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда уларнинг қобилиятлари ва имкониятларини намоён этиши ва эркин фуқаро сифатида камол топишлари учун таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни сифати ва самардорлигини оширишнинг оптимал ечимларини излаш, топиш ва амалда жорий этиш ҳамда касб-хунарга ўргатиш методикаларини ва илмий-услубий таъминотини такомиллаштириш жуда муҳим аҳамиятқасб этади. Шунингдек, уларнинг жисмоний ва ақлий камол топишида шахсий фазилатларини ва касбий сифатларни индивидуал ёндашув асосида ривожлантириш учун психологик-педагогик хусусиятларни инобатга олган ҳолда қулай ва мақбул педагогик шарт-шароитларни яратиш, касбга ўргатишда инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш, таълим мазмунига мос ўқитишнинг замонавий ўқув-услубий таъминотини ишлаб чиқиш, ўқув материалларини мазмунан такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган коллежларда махсус фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, замонавий дидактик воситаларини ишлаб чиқиш, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ўқув-услубий таъминотини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Жисмоний имконияти чекланган ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашдаги муҳим вазифалардан бири ўқитишда замонавий таълим технологиялари ҳамда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, уларни ўқув жараёнига жорий қилиб бориш ҳамда

ривожланган давлатларнинг илгор тажрибалари таълим жараёнига тадбиқ этиш долзарб ҳисобланади. Имконияти чекланган ёшларни ўқитиш, касб-хунарга тайёрлашда индивидуал ёндашувни амалга ошириш, таълим жараёнида инновацион таълим технологияларини кенг тадбиқ этиш аҳамиятlidir.

Ихтисослаштирилган коллежларда махсус фанларни индивидуал ёндашув асосида инновацион таълим технологияларини қўллаб ўқитиш жараёни режалаштирилган натижаларига кафолатли эришишни таъминлашга йўналтирилиб лойиҳалаштирилиши керак.[1]

Ихтисослаштирилган коллежларда ўқитиш жараёни индивидуал ва жуфтликда ишлаш шакларида олиб борилиши тавсия этилди. Индивидуал ишлаш шакли ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва ўқувчиларни фаоллаштиришга кўмаклашади. Бунда ўқувчилар ўқув топшириқларини ёки меҳнат фаолиятига тегишли амалий ишларни мустақил бажаришади. Ушбу шаклдаги ўқув машғулотларини таълим жараёнида қўллашда қуйидаги имкониятлар яратилади:

- меҳнат фаолиятига тегишли топшириқлар натижасида бажарилган амалий ишлари ёки тайёрланган маҳсулот ва намуналарни солиштириш;
- ўқув топширинини ёки амалий ишни бажаришни мустақил ҳолда режалаштириш;
- ўқувчиларнинг муҳим маълумотларни мустақил излаши ва тўплаши;
- қайта шуғулланиш ва такрорлаш;
- ўз-ўзини баҳолаш.

Бугунги кунда инновацион имкониятлар ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шarti мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришидир. Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярага олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўраллашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсуниш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва ўқувчининг ижодаги ҳамкорлигидир.[2]

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Инновацион таълим технологиялари махсус фанларни ўқитишда белгиланган ўқув мақсадига эришиш учун таълим олувчи ва таълим берувчининг ўзаро боғлиқ фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган фаолиятдир.[3]

Биз томондан ихтисолаштирилган коллежларда махсус фанлардан амалий машғулотларни ўтказишда юқори самара берадиган “беш босқичли” инновацион таълим технологияси ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилди.

“Беш босқичли” технология таълим олувчиларнинг индивидуал, жуфтликда ёки кичик гуруҳларда белгиланган вақт давомида, берилган амалий топшириқ бўйича меҳнат фаолиятини (маҳсулот ва намуна тайёрлаш, бирон бир касбий фаолиятга оид амалий иш бажаради) амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу технологияда таълим олувчилар режалаштириш, бажариш, ўз-ўзини текшириш, хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Топшириқ якка тартибда ёки жуфтликда бажарилганда индивидуал бажарилади, кичик гуруҳда ишлаш эса ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.[4]

Топшириқлар ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, ўқувчилар томонидан ишни мустақил режалаштириш, ташкил қилиш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

“Беш босқичли” технологияда топшириқни бажариш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Топшириқни англаб олиш. Бу босқичда ўқитувчи томонидан намуналар, схемалар, техник чизмалар; лойихага тегишли топшириқлар таърифи; кўрсатма ва йўриқномалар; ўқув мақсадлари ҳақида материалларни тайёрланиши лозим. Ўқитувчи ўқувчиларни топшириқни тўлақонли тушуниб ва англаб олишга ҳамда таҳлил қилишга жалб этади. Сўнгра улар лойихани бажаришдаги иш босқичларини тузишади.

2. Режалаштириш. Бу босқичда ўқувчилар мустақил равишда иш режасини тўлдиришади. Бу режада иш босқичлари, яъни бажаришдаги технологик кетма-кетлиги ва улар учун ажратилган вақт, керакли жиҳозлар ва ускуналар, хом ашё ёки маҳсулот намуналари ҳамда меҳнат хавфсизлигига оид тадбирлар ҳақида маълумотлар берилади. Ўқувчилар ўқитувчиси билан биргаликда режалаштириш босқичида юзага келган муаммоларни муҳокама қилишади.

3. Амалга ошириш. Ўқувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда бажаришади. Ўқитувчи иш жараёнини назорат қилиб туради ва оралиқ натижаларини «Назорат» дафтарига қайд қилиб боради.

Ўқувчилар белгиланган вақт мобайнида топшириқни бажарадилар. Агар ишни бажариш давомида турли муаммолар ёки қийинчиликлар юзага келса ўқитувчидан ёрдам сўрайдилар. Ўқувчилар бу босқичда ўрганиб олган билимлари ва қўникмаларини янги вазиятда қўллай олишлари лозим.

4. Текшириш. Ўқувчилар бажарган иш натижаларини ўзлари текширишади. Масалан, иш натижаларини сифат мезонлари асосида баҳолашлари мумкин.

5. Баҳолаш. Ўқувчи ва ўқитувчи иш жараёни ва натижаларини биргаликда таҳлил қилишади.



Натижада мустақил ўрганишдан ташқари эътиборни мутахассисликни эгаллашда керакли шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиб, топшириқни бажариш жараёни давомида билим ва кўникмалар шаклланади. Ҳуқуқчилар берилган топшириқни бажаришда вазифаларни индивидуал ёки ўзаро тақсимлаб мустақил равишда режалаштирилишидан бошлаб амалга ошириш ва ҳулоса чиқаришда биргаликда ишлашади.

“5 босқичли” технологияни қўллашда асосий эътиборни ҳуқуқчиларнинг мустақил ўрганишга қаратилади. Шунингдек, мустақил ўрганишдан ташқари эътибор мутахассисликни эгаллашда керакли шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиб топшириқни бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар ўзлаштирилади. Ҳуқуқчилар берилган топшириқни бажаришда вазифаларни ўзаро тақсимлаб лойиҳа гуруҳи сифатида мустақил равишда режалаштирилишидан бошлаб амалга ошириш ва ҳулоса чиқаришда биргаликда ишлашади. Ҳуқуқувчи ўрганиш жараёнини назорат қилади ва систематик равишда бошқаради. Лойиҳа давомида барча босқичларни қайд этиш ва лойиҳа ишини таққослаш имконияти бўлиши учун қуйидаги ҳужжатлар ишлатилади: топшириқ (схемалар, ишчи чизмалар, намуналар); топшириқлар таърифи; йўриқномалар; ҳуқуқ мақсадлари ҳақида маълумотлар; ишлаш тартиби ва вазифаларни тақсимлаш бўйича кўрсатма; баҳолаш варағи; назорат баённомалари; асбоб ва ускуналар, ўлчаш воситалари, хом ашё ҳамда ёрдамчи материаллар рўйхати.

“Беш босқичли” технология бўйича жисмоний имконияти чекланган ҳуқуқчиларнинг амалий топшириқларни бажаришнинг технологик харитасида келтирилган.

Инновацион ўқитиш технологиялари ихтисослаштирилган коллежларда махсус фанларни ўқитишда қўлланилганда таълим сифати ошганиги, шунингдек ҳуқуқчиларнинг индивидуал ўрганиш фаолиятлари анча ривожланиши кузатилади.

Беш босқичли инновацион технология асосида жисмоний имконияти чекланган ёшларни касб-ҳунарга тайёрлашда мустақил ўрганишдан ташқари эътиборни мутахассисликни эгаллашда керакли шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилган. Топшириқни бажариш жараёнида билим ва кўникмалари шакллантирилган. Ҳуқуқчилар берилган топшириқни бажаришда вазифаларни индивидуал ёки ўзаро тақсимлаб мустақил равишда режалаштирилишидан бошлаб амалга ошириш ва ҳулоса чиқаришда биргаликда ишлаши асосланган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Сайфуллаева Д.А. Жисмоний имконияти чекланган ёшларни касб-ҳунарга тайёрлашда махсус фанларни инновацион технологияларни қўллаб ўқитиш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси – Тошкент., 2019.-р: 84
2. Sayfullaeva Dilafuz Ahmedovna. Teaching Special Subjects for Students with Disabilities in Preparation for the Profession by Using Innovative Educational Technologies. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9 Issue-1S, November 2019.